O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 29-MAY ■ SHANBA ■ 65 (27.240) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ИНТЕГРАЦИЯНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти (МОҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 28 май куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлган саммитида иштирок этди.**

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг учрашувлари яхши анъанага айланган. Зеро, минтақамиздаги тарихи, қадриятлари ва маданияти бир-бирига муштарак халқларнинг эртанги тақдири ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Президентларнинг мунтазам учрашувлари долзарб масалаларга бамаслаҳат ечим топиш, интеграция муаммоларини муҳокама қилиш, дунё сиёсий саҳнасида ва иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратади.

Бундай мулоқотлар «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида тузилган бу ташкилот минтақа мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама муносабатларга оид барча масалаларни мувофиқлаштирувчи восита бўлиб қолмоқда.

2002 йилнинг февралида МОҲТга расман асос солинганидан кейин ҳамкорлик кўлами янги поғонага кўтарилди. Саммитлардан ташқари парламентлар раислари, хавфсизлик органлари раҳбарларининг учрашувлари, ишбилармон доираларнинг минтақавий форумлари ўтказилиб турибди.

Ташкилотга аъзо мамлакатлардан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот берадиган мувофиқлаштирувчи вакил тайинланган. Улар ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш, турли вазирлик ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўл очиш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазиятни таҳлил этиш билан шуғулланади.

МОҲТнинг бу галги мажлиси Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Президентлар — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов минтақавий интеграция жараёнларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳақида, халқаро террорчилик ва экстремизмга, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, ғайриқонуний муҳожирликка қарши кураш, шунингдек, қатор халқаро муаммолар, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов ташкилот қамраган минтақада босқичма-босқич асосда умумий бозор ташкил этиш таклифини илгари сурди. Бу ташаббуснинг аҳамияти беқиёс. Умумий бозор минтақага сармоя оқимини кучайтиради. Товарлар ва хизматлар, сармоялар ҳаракати учун кенг имкониятлар очилади.

Саммит қатнашчилари бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Мамлакатимиз раҳбари МОҲТни ривожлантириш жараёнларида Россиянинг иштирок этиши муҳимлигини таъкидлади. Интеграция ва ҳамкорликни чуқурлаштиришга бу давлатнинг имконият ва салоҳиятини жалб этиш ҳар томонлама фойдалидир. Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳам Россия муҳим ўрин тутади.

Саммит қатнашчилари Россия Федерациясининг МОҲТ фаолиятида тўла ҳуқуқ билан иштирок этиши бўйича якдил қарорга келдилар.

Кенгайтирилган тартибдаги музокарада президентлар минтақа доирасида иқтисодиётнинг эркин савдо зоналарини шакллантиришни жадаллаштириш, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштириш, сув заҳираларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

2002 йилнинг октябрида ўтган Душанбе саммитида ҳукуматларга сув-энергетика консорциумини ташкил этиш билан боғлиқ барча масалаларни ўрганиб чиқиб, бу тўғрида ҳужжат ишлаб чиқиш топширилган эди. Шунингдек, озиқ-овқат ва коммуникация бўйича ҳам алоҳида консорциумлар тузиш зарурлиги қайд этилганди.

Сув танқислиги минтақа учун талай муаммолар келтириб чиқараётгани сир эмас. Мазкур консорциум тузилса нафақат сув, балки энергетика ва ёқилғи заҳиралари билан боғлиқ масалалар ҳам ечим топади. Президентлар мутасадди раҳбарларга уч ой муддатда консорциум лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини топширдилар.

Коммуникация ва озиқ-овқат борасида ҳам бундай ечим ҳар томонлама фойдалидир. Зеро, транспорт коммуникациялари — интеграциянинг асосий унсур ва усулларидан бири. Бу билан кўплаб божхона, чегара муаммолари барҳам топади.

Бу консорциумларни ишлаб чиқишда, кейинчалик лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатишга хайрихоҳ халқаро ташкилотлар ҳам талайгина. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молиявий муассасалар ва донор мамлакатлар бундай лойиҳалар учун сармоя ажратиш истагида экани маълум.

Коммуникация, энергетикадан ташқари, савдо-сотиқ ва сайёҳлик каби соҳаларда ягона ва мустаҳкам инфратузилма вужудга келишига олиб келадиган бу консорциумлар глобаллашув шароитида мамлакатларимизни янада яқинлаштиради.

Марказий Осиё мамлакатларида ҳамкорлик ва интеграция учун асос ва имкониятлар жуда кўп. Халқларимизнинг бир-бирига яқинлиги савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни тараққий эттириш учун муҳим заминдир.

(Давоми 2-бетда.)



## КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

Самарқанддаги «Самавтойўл» давлат акциядорлик жамияти кейинги йилларда «AMMANN» (Германия) асфальт тайёрлаш заводининг асфальт ётқизиш ва уни босиш техникалари ҳамда Россиянинг қудратли «Белорус» автоулов, автогрейдерлари билан бойиди. Натижада вилоят ҳудудида янгидан солинаётган йўллар кенг ва равон тортиб, эскилари сифатли таъмирдан чиқарилмоқда.

— Пудратдаги махсус магистрал хўжалигининг таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси ҳам «Самавтойўл»га қарашли, — дейди корхона раҳбари Деҳқонбой Эрмаматов. — Бу ерда ҳозир ҳар сменада 1280 тоннагача сифатли асфальт қоришмаси тайёрланиб, улар вилоятнинг корхонага яқин жойлашган туманлари ва Самарқанд шаҳри йўл бунёдкорларига пешма-пеш юборилиб турибди. Жамоамиз қоришма учун Зарафшон соҳилидан ҳар хил таркибли шағал, қум жинсларини ювиб, тозалаб, саралаб, янги мавсумга шайлаб қўйгани йил давомида ишимизга унум бермоқда...




**Суратларда:** асфальт ётқизиш машинаси ҳайдовчиси Наимжон Очилов; йўлсозларнинг иш жараёни.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Халқ демократик партияси ҳаётидан*

## ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 60 нафар депутатидан 25 нафари ХДП вакилларидир.



Мамлакат парламентида юртимиз ҳаётига дахлдор энг муҳим масалалар муҳокама этилганидек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам шу ҳудуднинг энг муҳим, долзарб масалалари кўриб чиқилади, муаммолари муҳокама этилади. Шундай экан, ЎзХДП депутатлик гуруҳининг позицияси Тошкент шаҳри ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, гуруҳ аъзолари шаҳар Кенгаши сессиялари кун тартибидаги 33 та масала юзасидан таклифлар киритган. Уларнинг 23 таси ижро учун қабул қилинган. Партия депутатлар гуруҳи ташаббуси билан гиёҳвандлик ва терроризмга қарши курашиш, коммунал хизматларни такомиллаштириш, ногиронларни ишга жойлаштириш, маҳаллий солиқ ва йиғимларни тартибга солиш каби кўплаб масалалар кўриб чиқилди.

Аммо шундай бўлса-да, депутатлик гуруҳининг фаолиятида баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Партиянинг туман кенгашлари пленумларида, бошланғич ташкилотлари ҳисобот-сайловлари йиғилишларида депутатлик гуруҳига қатор фикр-мулоҳазалар, таклифлар, танқидий муносабатлар билдирилди.

Кеча бўлиб ўтган депутатлар гуруҳи йиғилиши ана шу масалалар муҳокамасига бағишланди. Унда ХДП депутатлари, фаоллари, туман партия кенгашлари котиблари иштирок этдилар.

Депутатлар шаҳар миқёсида ечилиши мумкин бўлган масалаларни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига, республика миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ХДПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси орқали парламент муҳокамасига чиқариш тўғрисида келишиб олдилар. Шунингдек, йил охирида ўтадиган сайловлар муносабати билан депутатлик гуруҳи ва партия шаҳар ташкилотининг қўшма тадбирлар режаси тасдиқланди.

Йиғилишда ЎзХДП МК котиби, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Изидор Кочмарик, ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломов сўзга чиқдилар.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

## САЙИЛГОҲНИ ТЎЛДИРГАН ҚУВОНЧ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ва Қарши — Термиз минтақавий темир йўл узели маъмурияти ҳамкорлигида Қарши шаҳрининг Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 120 нафар болага, шу жумладан «Меҳрибонлик уйи»нинг 20 нафар тарбияланувчиларига байрам тадбири уюштирилди.

Кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандининг ҳар бирига 10 минг сўмдан омонат дафтарчалари очилди. 110 нафар болага эса қимматбаҳо совғалар берилди.

Тадбирда вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Нуриддин Зайниев нутқ сўзлади ва болаларга омонат дафтарчалари, қимматбаҳо совғалар топширди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Олимжон Равшанов ҳамда Қарши — Термиз минтақавий темир йўл узели бошлиғи Ибодулло Арслоновлар болажонларни шодиёна билан муборакбод этдилар.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Холбоева ва Қарши шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати Илҳом Асадовлар иштирок этишди.

**Музаффар ТУРОПОВ**

## БУҒДОЙГА ЎРОҚ ТУШДИ

Ҳа, Навоий вилоятининг Ўртачўл, Маликчўл ҳудудлари ғаллазорларига ўроқ тушди. Кеча Конимех туманидаги Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигига қарашли лалми ерларда пишиб етилган буғдойзорлардан тажрибали комбайнчи Асилбек Турманов 12 гектар майдон ғалласини ўриб олди.

— Чўл шароити бўлса-да, ҳар гектар ердан олинаётган ҳосил ўртача 26-28 центнерни ташкил этаётир, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Нурулла Давлатбоев. — Пешма-пеш ўрилган ва янчилган донни қабул манзилларига етказишда Бахтиёр Садинов, Тўймурод Қурбонбоев сингари механизаторларимиз фаол. Жорий йилда мавжуд 400 гектар буғдойзор ҳамда 18 гектар арпазордан жами 1267 тонна сара дон олмоқчимиз. Бунинг 737 тоннасини давлатга топширамиз. Бу ўтган йил шартнома асосида хирмонга тўкилган дон маҳсулотларига нисбатан 56 тонна кўп.

**Музаффар ШАРОПОВ**

## ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ВА МАТБУОТ

Давлат бошқарувида, суд тизими ва ҳуқуқ-тартибот органларида ўтказилаётган ислоҳотлар биринчи навбатда фуқароларнинг эркинлиги ва конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилмоқда.

Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан Парламент сайловларининг конституциявий асослари мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда Конституциявий суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги вазифаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Унда Олий Мажлис, Конституциявий суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Анжуманда Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Адлия вазирининг биринчи ўринбосари И.Абдуллаев, Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳматов, Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси бошлиғи А.Шарафуддинов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Бу йил халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ғоят муҳим воқеа — икки палатали парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига сайловлар бўлиб ўтади. Шу боис Олий Мажлис томонидан қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонунларни, унинг конституциявий асослари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг оммага тушунтириш, тарғиб қилиш йўллари ва усулларини такомиллаштириш, бу борада Конституциявий суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳамкорлиги ва биргаликдаги фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Анжуманда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Олий Мажлис қўмиталари раислари Ў.Ҳошимов, А.Саидов иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЭЛЧИНИНГ САМАРҚАНДГА ТАШРИФИ

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Жон Пурнелл илк бор Самарқандга ташриф буюрди. У Самарқанд вилояти ҳокими Рустам Холмуродов билан учрашди, Регистон мажмуасини зиёрат қилди.

АҚШ элчихонаси Матбуот бўлимининг маълум қилишича, ташриф чоғида вилоят миқёсидаги муҳим масалалар муҳокама қилинган, АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар жараёни кўздан кечирилган.

Жаноб Жон Пурнелл, шунингдек, вилоят Чет тилларни ўргатиш марказида жойлашган Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмасининг Самарқанддаги бўлими вакиллари билан учрашди. Куйиш орқали тан жароҳати олганларга ёрдам кўрсатиш маркази ва Жума марказий касалхонасида бўлди. АҚШ Тинчлик корпусининг кўнгиллилари ва АҚШ ҳукуматининг ўқув дастурлари бўйича таълим олиб қайтган талабалар билан суҳбатлашди.

Элчи жаноблари Самарқанд тарихи ва маданияти музейида АҚШ давлат департаменти томонидан молиялаштирилган ва таъмирлаш ишлари якунланганлигини қайд этувчи мемориал лавҳани очди.

Жон Пурнелл Оқдарё ва Қорадарё гидроузелида қиймати 130000 АҚШ долларига тенг SCADA автоматик бошқарув тизими ўрнатилишига бағишланган маросимда иштирок этди. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги томонидан тақдим этилган ушбу техникавий мослама мавжуд асосий сув тармоқлари бўйлаб сув ресурсларини назорат этиш ва бошқаришни такомиллаштиради. Шунингдек, элчи Зарафшон ҳавзасидаги ирригация тизимлари бошқаруви ва сув мутахассисларини тайёрлаш марказида ҳам бўлди.

Ташрифнинг маданий қисми тарихий жойлар ва обидаларни бориб кўришни ҳам ўз ичига олди.

**(Ўз мухбиримиз)**

### ДИЙДОР



*Онам эрта кетди дунёдан нолон,*
*Ёшидан ўтганман мен аллақачон.*
*Қартайган ўғлингни охират куни*
*Таний олурмисан, билмам, онажон!*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**2004 йил 25 май**

*Муносабат*

## МАҚСАД ФАҚАТ ПУЛ ТОПИШМИ?..

**ҲАР ХИЛ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТЛАР, ФИРМАЛАР МУАССИСЛИГИДА ЧИҚАРИЛАЁТГАН «ДАМ ОЛИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН» АЙРИМ НАШРЛАРДА БОСИЛАЁТГАН ТУРЛИ-ТУМАН ШАФҚАТСИЗЛИКЛАР, БЕҲАЁ ГАПЛАР, ЁЛҒОН-ЯШИҚЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

Сўзнинг кучи ҳар қандай қуролдан қудратли экани бугун кўпчиликка маълум. Жаҳон илм-фани, бадиий адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз сўзга жуда катта эътибор билан қараганлар.

Бундан олти аср илгари ҳазрат Навоий «Оғзига келганни демак нодон иши» деб огоҳлантирган эди. Чунки фақатгина яхши нарсалар, эзгу мақсадлар, олижаноб туйғулар эмас, балки ёмон нарсалар ҳам сўз билан англатилади.

Бугунги оммавий ахборот воситаларимизда маънавиятимизга, ёшлар ахлоқига ижобий таъсир кўрсатадиган мавзуларга кенг эътибор қаратилаётгани қувонарли албатта. Лекин айрим хусусий, яъни Ғарбда «сариқ матбуот», «кўча нашрлари» ва ҳакозо номлар билан юритиладиган нашрларда босилаётган «мақолалар», «ҳикоя» ва «бадиалар»ни кўриб лол бўлиб қоласан киши. Қайси ақл-фаросат билан бу сўзлар ёзилди, эълон қилинди экан, деган савол қийнайди одамни. Ўзини газета ҳисоблаган нашр, ўзини журналист ҳисоблаган «ижодкор» наҳотки, миллатдошларимизга, ўғил-қизларимизга шу сўзларни муносиб кўришса?

Осон пул топиш, ном чиқариш мақсадида ўз ўғли ёки қизини тубанликка бошлаш эмасми бу ҳолат? Она сути оғзидан кетмаган ёш норасида гўдакларга беҳаёлик, шафқатсизлик, зўравонликларни таҳлилсиз, муносабат-мулоҳазасиз, меъёрсиз қуруқ кўрсатиш маънавий террорнинг ўзи эмасми? Мақсад қанақа йўл билан бўлмасин фақат бойлик орттиришми? Бу нашрлардаги андишасизликлардан уялиб кетасиз.

Бу ҳаёсиз сўзлардан айримларини мисол тариқасида келтиришга мажбур бўлганимиз учун газетхонларимиздан узр сўраймиз.

2-бет

DETUR IPAK YO'LI TURIZM
Хушҳаво маскан
Яхши ҳордиқ омили
АНТАЛИЯГА ҲАР ЎН КУНДА
ИЮНДАН БОШЛАБ ЧАРТЕР ҚАТНОВЛАРИ
Мақбул нархлар ва чегирмалар
Бизга ёки сайёҳлик агентликларингизга қўнғироқ қилинг:
Тел.: +(998-71), 134-98-60, 134-99-13. Факс: +(998-71) 134-98-93.
E-mail: info@ detursilkroadtashkent.com
700000, Тошкент, А.Темур кўчаси, М-4.
«Дедеман Силк Роуд Тошкент» меҳмонхонаси
HOTEL DEDEMAN SILK ROAD

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН
«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.
Товар сертификатланган.
Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru



BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

# ИНТЕГРАЦИЯНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти олдига минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Президентлар бу масалалар юзасидан атрофлича фикрлашиб, ҳукуматларга тегишли топшириқлар беришга келишиб олдилар.

Аъзо мамлакатларнинг хавфсизликни таъминлашда, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда баҳамжиҳат ҳаракат қилиши учун ҳам МОҲТ яхши воситадир. Президентлар минтақага хавф солаётган иллатларни муҳокама қилар экан, Афғонистондаги вазият юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Узоқ йиллик уруш гирдобидан чиққан бу мамлакат ҳозир тикланиш йўлига тушиб олган бўлса-да, у ерда ҳали ҳам турли даражадаги қуролли тўқнашувлар содир бўлиб турибди, наркотик моддалар ишлаб чиқариляпти. Бунинг асосий сабабларидан бири одамлар тинч ҳаёт кўникмаларини йўқотганидадир. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга миллий иқтисодиётнинг қурби етмайди, иқтисодий инфратузилма секин тикланмоқда.

Кўриниб турибдики, Афғонистондаги барқарорлик ва тараққиётдан манфаатдор бўлган Марказий Осиё давлатлари бу мамлакатга ёрдамни ҳар томонлама кучайтирмоғи зарур. Донор давлатлар маблағ ажратяпти. Минтақамиз мамлакатларидаги мутахассислар эса бу маблағ эвазига амалга оширилиши кўзда тутилган ишларни уддалай олади. Масалан, Ўзбекистон йўлсозлик ва кўприксозлик соҳалари қаторида алоқа тармоқларини тиклаш бўйича ишларни ҳам бажаришга киришган.

Остона саммитида хусусийлаштириш жараёнига, ишлаб чиқариш кооперацияси, хўжаликлараро бевосита ҳамкорликка, атроф муҳит муҳофазасига оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашувда МОҲТ аъзоларининг барчаси қўшилган бошқа бир тузилма — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари президентларнинг диққат марказида бўлди. Ислом Каримов учрашув қатнашчиларини ШҲТнинг келаси ой Тошкентда бўлажак саммитига тайёргарлик жараёни билан таништирди.

Маълумки, бу саммит арафасида иқтисодиёт вазирларининг учрашуви ва иқтисодий форум ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Остона музокараларида ШҲТ саммити билан боғлиқ ана шу тадбирларга юқори баҳо берилди, мулоқотлар ҳар томонлама фойдали бўлишига қатъий ишонч билдирилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг қўшма баёноти, МОҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида телевидение ва радио дастурларини ўзаро тарқатиш тўғрисидаги битим ҳамда Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев учрашувининг протокол қарори имзоланди. Саммит доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиб, бош вазир ўринбосарларига товар айирбошлаш ҳажмини кескин ошириш ва бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклиф тайёрлашни топширди.

Шу билан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси якунига етди.

Президентлар журналистлар билан учрашувда музокаралар очиқ ва дўстона руҳда бўлганини, самарали кечганини таъкидладилар. Ташкилот фаолияти яна бир карра танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилгани, интеграция жараёнларини фаоллаштириш йўлидаги муаммоларни бартараф этишда ҳукуматлар органларининг баҳамжиҳат иш юритишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олингани маълум қилинди.

Демак, МОҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, иқтисодий интеграция мустаҳкамланишига, бу эса халқларимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этишига барча асослар бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Остона — Тошкент.

# МИЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА: ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

Эл соғлиги — юрт бойлиги. Шу боис аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, саломатлигини асраб-авайлаш масаласи ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Жумладан, унда аҳолини дори-дармон билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, дори-дармонларнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бундай улуғвор вазифаларнинг уддасидан чиқишда эса етук фармацевт кадрларнинг роли беқиёс. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент Фармацевтика институти фаолияти айни шундай хайрли ишларга йўналтирилган.

Жаннатмонанд юртимизда ўсадиган ҳар бир гиёҳда кўплаб хосият бор. Аждодларимизнинг табиат инъомларидан ўз ўрнида фойдаланиш борасида яратган бебаҳо мероси асрлар оша яшаб, бутун дунёни баҳраманд этиб келаётир. Бобокалонимиз Абу Али ибн Сино қолдирган маънавий хазинанинг ўзи туганмас бойлик. Истиқлол шарофати билан бундай бойликлар яна миллатимизга қайтди.

Миллий фармацевтикамиз бугунги кунда мустаҳкам оёққа туриб, жаҳон бозорига ҳам дадил чиқаётир. Яратилаётган дори-дармонларимиз табиийлиги, хавфсизлиги билан эътиборга тушяпти. Фармокология ва фармация соҳасида амалий ва илмий изланишлар ўтказиш, бунинг учун ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Миллий фармацевтиканинг асосий мақсади маҳаллий дори турларини яратиш ва уларнинг ўзаро рақобатини кучайтириш, шу асосда сифатли маҳсулотларни кўпайтиришдир. Боиси, мамлакатимизда дори воситаси ишлаб чиқариш лицензиясига эга етмишдан ортиқ корхона мавжуд бўлса-да, аҳоли эҳтиёжининг асосий қисми ҳозирча четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳисобига қондириляпти. Дори-дармон мустақиллигига эришиш учун эса саноат фармацияси йўналиши бўйича етук кадрлар зарур. Бунда институтимизда саноат фармацияси йўналиши бўйича тайёрланаётган мутахассислар муҳим ўрин тутади.

Институтимизда талабаларнинг илмий-техник ва инновацион давлат дастурларида фаол иштирок этиши учун барча имконият яратилган. Аспирантурага изланувчан талабаларнинг танлаб олинаётгани ёшларнинг илмга интилишини кучайтиряпти.

«Интернет» тармоғидан самарали фойдаланилиб, талаба ёшларга тил ўргатишда АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат «Global I. Education» ташкилоти билан ҳамкорликда амалий натижаларга эришиляпти.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йил 20 февралда қабул қилинган «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони институтимизда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг янада ривож топишида муҳим омил бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши Фан ва технологиялар Марказининг 2003-2005 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий дастурлар танловида институтимиз тадқиқотчилари бешта грант соҳиби бўлди.

Бугунги кунда ёввойи доривор ўсимликларни ўрганиш, ўстириш, маҳаллий хомашё асосида доривор препаратлар тайёрлаш, дориларнинг самарали технологияси ва таҳлил усулларини яратиш, амалиётга татбиқ этиш, фармация ишини ташкил этиш каби йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб бориляпти. Шунингдек, камқонлик, қандли диабет, ошқозон-ичак яраси, сил касалликларига қарши бир қатор самарали дори воситалари яратиш вазифалари белгиланган.

Фармация соҳасида ишлайдиган бошқа корхоналардан фарқли ўлароқ, институтимизда кимёгарлар, технологлар, фармокологлар, фармогностлар, иқтисодчилар ҳамкорликда изланишлар олиб боради. Натижада Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази эълон қилган танловда институт тақдим этган бешта илмий-техникавий лойиҳа ғолиб деб топилди. Уларни амалга ошириш учун 42,6 миллион сўм ҳажмда шартномалар тузилди.

Тугалланган илмий ишланмаларнинг саноатдаги тадбиқини жадаллаштириш мақсадида институт моддий-техника базаси яхшиланди. Сертификатлаш идораси ҳамда Agilent Techologis (Германия) ва Methler Toledo (Швейцария) фирмалари кўмагида махсус ўқув маркази ташкил этилиб, энг ноёб асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Унда иқтидорли, юқори малакали ёш олимлар чет эл фирмалари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Институтимиз олимлари ва мутахассислари Ўзбекистон Фан ва технологиялар маркази ҳамда «Ўзфармсаноат» уюшмаси буюртмаси бўйича илмий-амалий изланиш дастурлари ва инновацион лойиҳаларни бажаришда мумиё таблеткаси, прополис экстракти ва купир препаратини саноат миқёсида ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни муваффақиятли якунлади. Ўтган йили институтимиз умумий миқдори 93,5 миллион сўмлик еттита танлов ва давлат илмий-техникавий дастурларининг ижрочиси бўлди.

Илмий-педагогик кадрлар малакасини ошириш, фармацевтика фанининг долзарб йўналишлари бўйича тадқиқотларни олиб боришда Pfizer HCP Corporation» (АҚШ) «Euromedex» (Франция), «Sunshine Pharmaceuticals» (Ҳиндистон) фармацевтика фирмалари, И.Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси, Украина миллий фармацевтика университети, Молдова тиббиёт ва фармация университети каби таълим муассасалари ва ташкилотлари билан шартномалар асосида иш олиб бориляпти.

Институтимизда дори воситаларини стандартлаш илмий маркази иш олиб бормоқда. Ноёб асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу марказ турли хил маҳаллий ҳамда чет эл фирмалари билан ҳамкорлик ўрнатиб, янги дори воситалари бўйича фармако-токсикологик изланишлар ва стандартлаш ишларида ёрдам кўрсатмоқда. Бу ерда юқори малакали ёш мутахассислар янги дори воситалари ва биологик фаол озуқа қўшимчаларини яратиш ва стандартлаш, уларга меъёрий-техник ҳужжат лойиҳалари тайёрлаш ишлари билан бирга талабалар, аспирантлар ва докторантларга амалий илмий-услубий ёрдам кўрсатяпти. Ҳозирда марказда 28 шартнома асосида 56,2 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди.

«Корфармсаноат», «Galenika», «Stevie» корхоналари билан ҳамкорликда ацикловир, коралгин, коришпан, барба-йод, стевил таблеткалари ва «Шарқ табиби» шифобахш бальзами технологиясини стандартлаш меъёрлари яратилди ва оммавий ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Институтимиз ва Германиянинг «Fortek» компанияси билан ўзаро келишувга асосан мазкур марказ базасида кўргазмали таҳлил лабораторияси ташкил этилди.

Институтимиз жамоасининг истиқбол режалари катта. Аввало, фармация фанига яқин соҳалар билан интеграцияни кучайтириш, энг муҳими — соҳа ютуқлари ва талабларини инобатга олган ҳолда стратегияни ишлаб чиқишдир. Жумладан, клиник фармация, ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодиёти, парфюмерия-косметика воситалари технологияси, ветеринар фармация каби янги йўналишлар очиш режалаштирилмоқда.

Институтимизда талабаларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, маънан юксак тарбия топган фарзандгина эртага юртимиз истиқболи учун қайғуради. Шу боис ҳам институтимизда маънавий-маърифий ишлар режа асосида изчиллик билан олиб борилмоқда. Доимий ўтказилаётган маънавият кунларида буюк алломаларимиз қолдирган меросни ёшлар қалбига чуқур сингдириш мақсадида етук олимлар билан учрашувлар ташкил этиляпти. Зеро, қадриятларимиздан руҳ олган ёшлар бугунги куннинг қадрига етишни ўрганади.

Жорий йилнинг Президентимиз Ислом Каримов томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши институтимиз аҳлини кўплаб савобли ишларга бош қўшишга ундамоқда. Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 33-Меҳрибонлик уйини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ўқув жиҳозлари билан таъминлашга ҳисса қўшиб келинмоқда. Жумладан, компьютер синфи ташкил этилди. Ногирон болаларнинг кўнглини кўтариш учун байрам тадбирлари ташкил этиш анъанага айланган.

Миллий фармацевтикамизнинг бешиги бўлган институтимиз бугун нафақат етук фармацевт кадрлар тайёрлаш, балки табиий ва безарар дори-дармонлар яратиш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшишга хизмат қилмоқда.

**Неъмат ОЛИМОВ,**
**Тошкент Фармацевтика институтининг биринчи проректори.**



*Меҳмонхона бизнеси*

# МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИБ

Пойтахтимиздаги меҳмонхоналар қаторида «Дедеман Силк Роад Ташкент» ҳам шаҳримиз кўркига ўзгача ҳусн бахш этган. Бир йил муқаддам таъмирлаш ишларидан сўнг «тўрт юлдузли» мақомини олган меҳмонхона жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга киришганди.

Хўш, юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар, қолаверса, юртдошларимиз учун меҳмонхонадаги мезбонлик ва хизмат даражаси қандай бўлаяпти, мижозларга қандай қулайликлар яратилаяпти? Ушбу саволларга «Ипак йўли туризм инвест» қўшма корхонаси бош директори **Угур Окин** шундай жавоб берди:

— Бир вақтлар «Дўстлик» деб аталувчи меҳмонхонани таъмирлаш ва ундан фойдаланиш учун қўшма корхона тузилган, Туркиянинг «АПЕАС» компанияси эса барча ишлар пудратчиси бўлганди. — Меҳмонхона мажмуида таъмирлаш ишлари билан бир қаторда хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳам тайёрланди. Тўрт юлдузли 206 номердан иборат меҳмонхона «Hotel Dedeman Silk Road Tashkent» номини олди. Айтиш керакки, у 1966 йилдан буён сайёҳлик бозорида фаолият кўрсатаётган «Дедеман» гуруҳига кирувчи ўн еттинчи меҳмонхона бўлди.

Меҳмонхонада яратилган барча қулайликлар туфайли бу ерда турли учрашувларни ўтказиш ва хордиқ чиқариш мумкин. Номерлар кондиционерлар, алоқа воситалари, йўлдош телевидениеси ва бар-ресторан билан жиҳозланган. Дарвоқе, меҳмонхона ҳудудидаги «Life Style» соғломлаштириш масканида спорт билан шуғулланиш учун барча қулайликлар яратилган.

250 кишига мўлжалланган тўртта залда бир вақтнинг ўзида тадбир ва учрашувларни ўтказиш мумкин. Очиқ автомобиллар туриш жойи, пул алмаштириш, кимёвий тозалаш пунктлари мавжуд. Зарурат туғилса котиб ва таржимон хизматидан фойдаланиш мумкин. Яна бир янгилик. Меҳмонхона ҳузурида Туркиянинг машҳур «Детур» сайёҳлик фирмасининг агентлиги ҳам очилди. Агентлик бош директори Ашк Бюлентнинг таъкидлашича, июндан бошлаб ўзбекистонлик сайёҳлар учун Анталияга чартер қатновлари бошланади. Ўз навбатида куздан бошлаб туркиялик сайёҳларни юртимизга олиб келиш учун тараддуд кўрилмоқда. Бир сўз билан айтганда, меҳмонхонада меҳмонлар учун барча қулайликлар яратишга ҳаракат қилинмоқда.

**Алишер РЎЗИЕВ**



*Муносабат*

# МАҚСАД ФАҚАТ ПУЛ ТОПИШМИ?..

**ҲАР ХИЛ МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТЛАР, ФИРМАЛАР МУАССИСЛИГИДА ЧИҚАРИЛАЁТГАН «ДАМ ОЛИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН» АЙРИМ НАШРЛАРДА БОСИЛАЁТГАН ТУРЛИ-ТУМАН ШАФҚАТСИЗЛИКЛАР, БЕҲАЁ ГАПЛАР, ЁЛҒОН-ЯШИҚЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Ҳайрат» МЧЖ муассислигида чоп этилаётган газетадаги Муҳаммад Абдулқодирнинг «Мушук қасоси» ҳикоясидан олинган бири хотинига, бири эрига хиёнат қилаётган икки қаҳрамоннинг ўйларига эътибор беринг: **«...ўзиям зўр нарса экан, эркалашниям қотиради-я... Сиз зўр экансиз, Қаҳҳор ака, — деди Зоҳида ётган жойида, — эзиб ташладингизку»** («Ҳайрат», 11.07.2003).

Муассиси «Холиқберди ота» хусусий фирмаси бўлган «Ёғду» газетаси зўр йўл топган: материалларнинг муаллифи умуман ёзилмайди. Муаллифи йўқ «Тоға-жиян муҳаббати» асаридан парча:

**«...Не кўз билан кўрайки, Мастура тоғасининг бағрида баликдай солланиб ётибди»** (08.12.2003)

«Асар» — эрига хиёнат қилиб, ўз тоғаси билан юрган аёл ҳақида. Халқимиз битта тоға етти отанинг ўрнини босади, дейишади. Тоғанинг рутбаси азал-азалдан улуғ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши керак. Лекин газетадаги ҳикояни ўқиган ўқувчида ўта нохуш кайфият пайдо бўлади.

Баъзи хусусий газеталар муаллифни яширишнинг янги-янги йўлларини топаяпти: материалларга «А.Қодирий», «Зулфия» каби тахаллуслар қўйиб олишиб, битикларини «ҳикоя», «қисса» деб аташмоқда. Ўзига «А.Қодирий» деб тахаллус қўйган «ижодкор»нинг «Иснод» ҳикоясидан парча ўқиймиз:

« — **Биласизми, аёлнинг чиройига яна чирой қўшадиган ички кўйлак. Шуни кийган келинчак ёки жувоннинг эри куёш тиккага келиб қолса ҳамки, хотинини ёки севгилисини қўйвормайди»** («Қувонч plus», 3(55)-сон, январь, 2004).

Билмаган, соддароқ одам наҳотки буюк адибимиз А.Қодирий шундай қўпол, беандиша сўзлардан фойдаланган бўлса дея довдираб қолади. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби маънавиятимиз дурдоналарига айланган асарлар ёнига «Иснод»дай ҳикояни қўйишнинг ўзи иснод эмасми?

Қанақадир фоҳишалар, хотинбозлар, енгилтак қизларнинг «саргузашт»ларини матбуотда ёритаётганларнинг ҳар хил порнографик маҳсулотлар сотаётганлардан нима фарқи бор? Бунақа «очиқлик» оқибатида эртамас-индин яқин ва узоқ хориж давлатларидаги болаларни пуллаш, фаҳш маҳсулотлар савдоси, «Ялонғочлар куни», бир жинсга мансуб кишиларнинг ўзаро никоҳи каби иллатлар бизга ҳам етиб келмайди, деб ким кафолат беради? Бундай тайинсиз, пала-партиш нашрлар, уларда босилаётган олди-қочди, миш-миш, ҳаёсиз материаллар ёшларимиз маънавиятига путур етказмайдими?

Матбуот — миллионлаб фуқароларнинг назари тушадиган минбар. Бундай нашрларни нуроний отахон ва онахонларимиз, энди мустақил ҳаётга кириб келаётган қизларимиз ўқиши эҳтимолдан холи эмас. Бачкана, фаҳш ҳиди анқиб турган «ҳикоя»лар, табиийки, иймон-эътиқодли нуронийларни асабийлаштиради, қаттиқ эътирозларига сабаб бўлади.

Биз ҳар қандай шароитда маънавий масъулиятни унутмаслигимиз, қизларимиз юзларидан шарм-ҳаё пардасини кўтаришга хизмат қилиши мумкин бўлган гапларни айтишдан мутлоқ тийилишимиз шарт эмасми? Ҳар қандай ёмонликни, жирканч воқеани ҳам ёзиш мумкин албатта. Аммо, меъёр, маданият, маҳорат деган талаблар ҳам бор.

Сайёра Нуриддинова деган муаллиф Ўткир Ҳошимовнинг «Хотин-қизларга «Она» деб қарасак, ҳаммаси жойига тушади», деган гапларини эпиграф қилиб олади-да, «Қора карвон» деган асарида бир қизнинг поччаси билан юрганини (**«Саттор бошини кўтарганида Гулжаҳоннинг қўли баланд бўлиб, у поччасининг қучоғида қолди. Поччаси фақат «Гулжон, Гулжон», деб юзини унинг юзига суртар, маҳкам қучоқлаган бақувват қўлларидан чиқа олмаган Гулжаҳон ўзига хуш ёқаётган кайфиятдан маст эди»** («Бекажон», 22.01.2004, муассиси «Эрудит» МЧЖ). «Асар» давомида қиз ҳомиладор бўлиб қолгани-ю, туғруқхонадан қочиб, ўзини поезд тагига ташлаб, қурбон этганини ёзади. Пала-партиш, юзаки, енгил-елпи бу ҳикоядан мақсад нима?

Мафтуна исмли ёки тахаллусли ижодкорнинг «Сени осмонимга олиб кетаман» асарида ҳам оилавий қийинчиликлар, ўгай онанинг дашномларига бардоши етмаган қизнинг осонгина ўз жонига қасд қилгани ёзилган. **«Худди кино қаҳрамонларидек, оёқ остига стул қўйиб, бошини арқонга суқди. Атрофга бир назар ташлаб, стулни тепиб юборди. Сўнг осмондаги тўлин ойга қараганча, «Алвидо» деди хирилдоқ овозда...»** («Кўнгил кўчалари», 15.12.2003).

Назаримизда муаллифлар, таҳририятлар ҳам миллий ғоя, ёшлар тарбияси ҳақида эмас, балки кўпроқ ўз матоҳлари «бозоргир» бўлишини ўйлашаяпти. «Наврўз» радиосидаги «Мени кечир» дастурида кўтарилган масалалар ҳам шу мақсадга қаратилганга ўхшайди. Дастур ҳомийси — муассиси «FEMIDA-SH-HUQUQ» масъулияти чекланган жамияти «Кўнгил кўчалари» газетаси.

«Наврўз» радиоси «Мени кечир» дастурининг бошловчиси Севинч 3 май куни соат 22.30 дан 22.40 гача бўлган пайтда сўзлаб берган воқеага эътибор қилайлик. Эмишки, Феруза деган қиз Акмал деган болани севиб қолади. Акмал ҳарбий хизматга кетгач, у бошқасига тегиб олади. Турмуш ўртоғи ва ўғли бўлса ҳам, Феруза ҳалигача, ҳатто, умрининг охиригача Акмал акасини севармиш. Чунки «севиклиси» шу пайтгача уйланмаган эмиш.

Бу — радиоэшиттириш ёшларимизга нима бераяпти?

Радио тўлқинларида шунга ўхшаш маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатадиган дастурлардан эҳтиёт бўлиш чораларини кўришимиз керак.

Ўша куни «Мени кечир» радио эшиттиришида кўп бора сотиб олишимизга тавсия этилган «Кўнгил кўчалари» газетасининг 2004 йил 3 май сонида Басирбек деган муаллифнинг «Нима қилиб қўйдинг, Паулина?!» деган мақоласи босилган. Унда Дилбар деган аёл «Ёшлар» телеканалида берилаётган «Ёлғон асираси» сериалини кўришга халақит бермаслиги учун болаларини оғилхонага қамаб қўяди. «**...Оғилда эса болаларни сузиб-сузиб, хуморидан чиққан хўкиз, улар тинчиб қолишгач, шохига илиниб қолган Жамила** (Дилбарнинг қизи — *таъкид бизники*)**ни шохидан тушириб ташлашга уриниб, аҳён-аҳён бошини силтаб-силтаб пишқирар ва бугун олиб келинган кунжарани ейиш билан овора эди**».

Ҳамма гапдан хабардор бўлгач, Дилбарнинг эри Султон: «**Ғазаб билан хотинига кетма-кет болта тушира бошлади. Бутун уй қонга беланди...**».

Ўйлаб қоласиз, наҳотки, ўзбек аёли қанақадир сериал учун шунчаликка борса? Ўз болаларини молхонага, яна сузонғич ҳўкиз бор бўлган жойга қамаб қўйса?..

Иккинчидан, Султоннинг болта билан шартта хотинини чопиб ташлашини қандай тушиниш керак? Бу ҳолат қандай сабоқ беради?..

Учинчидан, бунақа воқеа бўлганига ким ишонади? Ёлғон, ўта шафқатсиз тўқима эмасми бу?

Яна бир газетада Зулфия Қурбонова деган «адиба» асарининг номиёқ одамни даҳшатга солади: **«Одам эти шираси, ёхуд қарздорлик балоси». «Санжар узалиб стол устидаги ошпичоқни қўлига олиб, Тамара опанинг нақ кўзларига санчди. Кейин мурданинг биққи билагидан тутиб, тирсагига пичоқ тиради...**

**Орадан бир-бир ярим соатлар ўтгач, Санжар Тамара опанинг мурдасини бўлак-бўлакларга бўлиб, қопга жойлади...»**

Бундан кейинги гапларни келтиришга инсон ожизлик қилади. Аммо, Зулфия Қурбонова даҳшатли манзарани шундай тасвирлайдики...

Тан олиш керак, ҳозир бундай газеталарнинг бозори чаққон. Ёш, мустақил фикри шаклланмаган ўғил-қизлар, ҳатто олди-қочди гапларга ишқибоз катта ёшдагилар ҳам ўқияпти бу газеталарни. Аммо, зиёли, маърифатли одам бу газеталарни ўқиса, қон босими ошиб кетиши табиий.

Бу нашрлар Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлар талаб этадиган барча ҳужжатлар тақдим этилган, албатта. Нашрнинг мақсади ҳам рисоладагидек кўрсатилган. Аммо, рўйхатдан ўтиб олгач, айрим нашрлар енгил-елпи материаллар ҳисобига тиражни ошириш, қандай бўлмасин кўпроқ пул топишни ўйлашаётганга ўхшайди. Реклама ёки дам олишга мўлжалланган бўладими, ҳар қандай нашр аввало яхшиликка, эзгуликка хизмат қилиши керак эмасми? Бундай нашрларга эътироз билдириб, айби айтилса тушунгани тушунади, инсофи бори инсофга келади. Айримлари эса «вой-дод демократияни бўғишяпти, эркинлик беришмаяпти», дея айюҳаннос солишади.

Аммо маънавиятимизга етказилаётган зарарни ким ҳисоб-китоб қилади?

**Оллоёр БОБОНОВ,**
**республика «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходими**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва Қонунга мувофиқ ишлайди» дейилган. Сўз эркинлиги, матбуотнинг «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш»ни таъминлаш мақсадида қонуний асослар яратилди. ОАВ тўғрисидаги қонун, ОАВни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги ҳукумат қарори фаолият кўрсатмоқда. Амалдаги қонунларга кўра юридик ва жисмоний шахслар муассислигида кўплаб хусусий газета, журналлар, радиолар ташкил этилди ва этилаяпти. Афсуски, назаримизда улардан айримлари берилган имконият ва эркинликларни суиистеъмол қилмоқда, газета, радио, журналист деган муқаддас сўзлар нуфузига путур етказмоқда. Эркинлик дегани оғзингга келганини гапиравер, дегани эмас-ку. «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» деган мақол замирида катта ҳикмат бор. Қолаверса, ОАВ жамоатчилик фикрини шакллантиради, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Ўзини шу юртнинг фарзанди ҳисоблаган ҳар бир фуқаро, у қайси касбда ишлашидан қатъи назар, аввало мамлакат, миллат манфаатини ўйлаши керак эмасми? Миллатимизга хос бўлган қадриятларимизни асраб-авайлаши, миллий истиқлол ғоясини тарғибот қилиши зарур эмасми?**

**Мақолада билдирилган мулоҳазалар хусусий нашрлар муассислари ва ижодий ходимларини озгина бўлса-да ўйлаб кўришга ундайди деган умиддамиз.**

**2004 йил — Меҳр ва мурувват йили**

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

**— ДЕЙДИ «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШ ДИРЕКТОРИ РАЖАБ ЖУМАНИЁЗОВ. — «МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ ҲАМ ШУ**



Сирасини айтганда, бозор муносабатлари ўта ҳисобдонликни ёқтиради. Кўл урилаётган ишдан наф кўриш хомчўт қилинмас экан, ҳамёндан ажраб қолиш ҳеч гап эмас. Банкротликка юз тутган корхоналардаги қусур ҳам айнан шундан. Лекин етти ўлчаб, бир кесилаётган жамоаларда қозон ҳам мой, чўмич ҳам. «Қизилқумцемент» очиқ турдаги акциядорлик жамияти фаолиятини фикримиз сирасига киритсак, хато бўлмас.

Тўғри, авваллари корхона ҳақида бундай фикр айтиш маҳол эди. Мустақиллик шарофати ила мулк шакли ўзгарди, жамоада ўзига хос бошқарув, меҳнат анъаналари шаклланди. Бу, албатта, осон кечмади. Зеро, ҳар қандай янгиликнинг ўзига йўл очиши ҳам қийин. Оддий ишчидан тортиб, раҳбар кадрларгача мулкка эгалик ҳисси, онг ва тафаккурдаги ўзгаришни кучайтириш — босқичма-босқич амалга ошиши анча вақт талаб қилади. Шу боис кейинги уч йилни ҳисоб-китоб қилган кишигина бунга амин бўлади.

Биргина 2002 йилда 1 миллион 617 минг тонна цемент ишлаб чиқарилган ва 4 миллиард 242 минг сўмлик халқ истеъмол моллари сотилган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилда муайян миқдорда ошди. Жамоа бултур 1 миллион 888 минг тонна цемент ишлаб чиқарди. Экспорт салоҳияти йил сайин юксала борди. Жами юкланган маҳсулот (ички бозор билан бирга) 454918 тоннани ташкил этди. Бу бурноғи йилга нисбатан 250 минг тоннага кўп демакдир. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, корхона иқтисодий қудратини йил сайин оширмоқда, фойда ҳам шунга яраша!

Халқимизда, қозонда бўлса чўмичга чиқади, деган мақол бор. Чўнтаги пул кўрган одамгина рўзғор учун катта-катта харж қилади. Корхона ҳам бамисоли катта рўзғор. Унинг дастурхонидан 2300 дан зиёд киши нон ейди, турли миллат вакиллари аҳил ва иноқ. Мақсади, маслаги, шиори: «Туз еган жойингга хиёнат қилма — хароб бўласан!». Бундай маънавий муҳит қарор топган ерда албатта барака бўлади.

— Бизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмайди, — дейди корхона бош директори Ражаб Жуманиёзов. — Ҳеч ким ижтимоий ҳимоядан четда қолмайди. Меҳнат қилиш, дам олиш дейсизми, ҳамма-ҳамма имкониятлар яратилган.

Дарвоқе, буни муболаға деб тушунмаслик керак. Корхона раҳбарининг нигоҳидан ана шу маънони уққач, ўз кўзимиз билан кўришга жазм қилдик. Тан олиб айтиш керак, корхона ҳовлиси, ундаги ободончилик ва кўкаламзорларни кўриб, чўлда ҳам шундай мўъжиза яратганларга беш кетдик: ораста, саранжом-саришта, гулу гулзор.

— Ўзимиз учун чоғроқ ўйингоҳ яратяпмиз, — дейди корхонанинг электр таъмирлаш бўлинмаси устаси Ориф Восилов. — Бир ғайрат қилсак битади.

Таъмирлаш-механика бўлинмасига кирганимизда ҳайратдан ёқа ушладик: цехми бу, жаннат?! Механик Холмурод Қаҳҳоровнинг айтишича, бинони ишчиларнинг ўзлари безашибди. Ҳавоси тоза ва ёруғ цехда ҳеч ким бир-бирига халақит бермайди. Ускуналар замонавий.

— 17 йилдан буён шу ерда ишлайман, — дейди Х.Қаҳҳоров. — Корхона томонидан берилган 4 хонали уйим бор. Соғлиғимиз доим назорат остида. Болалардан ҳам кўнглимиз тўқ...

Бундай шукрона сўзларни куйдириш цехи бошлиғи Бобур Шариповдан ҳам эшитдик. Цехлар атрофидаги ташландиқ ерларда янгидан хиёбон, гулу гулзор, боғ барпо этилаяпти.

Тушлик бошланганда ишчилар ошхонасига бордик. Ошхона шаҳарлардаги ресторандан қолишмайди. Кўриб ҳавасинг келади. Саломатлик маркази, маданият саройидаги имконият ва қулайликлар корхонада ижтимоий масалаларга катта эътибордан далолат бериб турибди.

— Бултур ижтимоий соҳани ривожлантириш учун 1 миллиард 80 миллион сўм сарфланди, — дейди ҳамроҳим. — Навоий шаҳридаги 8-умумтаълим мактаб ва «ЗарафшонЦЗ» футбол клубини ҳомийликка олганмиз. Профилакторий, 2 та болалар боғчаси, ёзги болалар оромгоҳи мунтазам ишлаб турибди. Ишчилар учун 80 та квартира, 6 та коттеж, битта дала ҳовли қуриб берилди. Ҳар бири 28 квартирали 3 та уйнинг ҳаммаси йил охиригача қуриб битказилди. Прафилакторийда ҳар ойда 100 киши даволаниб, сиҳат-саломатликларини тиклайди. Болалар спортини ривожлантириш учун ҳам амалий чораларни кўраяпмиз. Шинамгина теннис кортимиз бор. Барча миллий байрамларимиз, юбилейлар, туғилган кунлар ҳамжиҳатлик билан ўтказилиши анъанага кирган.

Ҳа, жамоада халқимизга хос бағрикенглик, меҳрибонлик, каттага ҳурмат, кичикларга шафқат сингари фазилатлар чуқур илдиз отган. Шундан бўлса керакки, корхонада иш унуми ҳам юқори. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 47-50 фоизи шу аҳил жамоа ҳиссасига тўғри келаётир. Ишлаб чиқарилган 2 миллион 600 минг тонна цемент мамлакат ички бозорингина эмас, балки, Эрон, Афғонистон, Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатлар эҳтиёжини ҳам қондирмоқда.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

t

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### «МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ»ДА

**Ўзбекистон ХДП Улуғнор туман кенгаши** тадбиркорлар, партия фаоллари ҳомийлигида қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, «Бунёдкор» фирмаси бошлиғи, ХДП фаоли М.Тожибоев ҳомийлигида 4 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Шунингдек, бир қанча иқтисодий заиф оилаларга беш юз минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

**Пастдарғом туман партия кенгаши** «Агрон» маҳалла қўмитаси билан биргаликда «Уч авлод учрашуви»ни ўтказди. Тадбирда қатнашган уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаоллари бир пиёла чой устида ёшларга ўзларининг ҳаёт йўллари, мустақилликнинг қадр-қиммати ҳақида гапириб, маслаҳатларини бердилар.

**Қўшработ туман партия кенгаши** «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ЁИҲ бўлими билан ҳамкорликда туманнинг ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Н.Каримов хотирасига бағишланган хотира кечасини ўтказди. Тадбирга йиғилган оқсоқоллар, фахрийлар бу фидойи инсоннинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида гапирдилар. Шунингдек, туман футбол жамоалари ўртасида «Хотира» турнири ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо соврин ва эсдалик совғалари топширилди.

Шу кунларда ХДП Чортоқ, Норин, Учқўрғон туман кенгашлари томонидан ҳам жойларда шу каби тадбирлар ўтказилди.

### СИЁСИЙ-ОММАВИЙ ИШЛАР: МУЛОҚОТЛАР, СУҲБАТЛАР, УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашида Урганч шаҳар касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва юқори синф ўқувчилари иштирокида «Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, уларни касбга йўналтиришда партия ташкилотларининг тутган ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатни вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р.Собуров олиб борди.

**Пешку туман партия кенгаши** биринчи котиби Э.Холов туман марказий шифохонаси, машина-трактор парки бошланғич партия ташкилотларида ҳамда «Пахтабанк» туман бўлими ва 1-мактаб меҳнат жамоаларида бўлиб, Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида қабул қилинган ҳужжатлар, давлатимиз раҳбарининг унда сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти, икки палатали парламентнинг афзалликлари ҳақида маъруза қилди.

**Тўрақўрғон туман партия кенгаши** томонидан Холматов номли қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 8 та маҳалла фаоллари иштирокида ҳам мазкур мавзуда мулоқот ўтказилди. Партия кенгаши саркотиби О.Охунов сессия якунлари, декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларнинг аҳамияти ҳақида гапириб берди.

**ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши** Термиз гарнизони офицерлар уйида офицер ва аскарлар билан учрашув ўтказди. Партия кенгаши биринчи котиби Ҳ.Эрматов «Жамиятни демократлаштиришда сиёсий партияларнинг роли» мавзусида маъруза қилди. Учрашувда иштирок этган 200 нафардан ортиқ аскар ва зобитлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

### ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**ХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши**нинг пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотининг ўтган йилги фаолияти таҳлил қилиниб, «Меҳр ва мурувват йили» дастурини бажаришдаги вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш, шаҳар партия ташкилотининг навбатдаги конференциясини чақириш, сайловларга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши**да шаҳар ва туман партия ташкилотлари етакчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайлов округларидаги ЎзХДП гуруҳлари фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, вилоят партия кенгаши ҳузурида хотин-қизлар секторини таъсис этиш, БПТда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

**ХДП Тошкент вилоят кенгаши** Паркент туманида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва партия ташкилотлари фаоллигини ошириш масалалари» мавзусида семинар-кенгаш ўтказди. Унда сўзга чиққанлар, мазкур Қонуннинг аҳамияти, партия ташкилотларининг заиф томонлари ҳақида фикр ва таклифларини билдирдилар.

**Тежамкорлик — иқтисодиёт таянчи**



# СУВ — ҚАДРЛИ ВА БЕБАҲО НЕЪМАТ

Сув — ҳаёт, тириклик, шу она заминнинг давомийлиги манбаи. Унинг ҳар бир қатраси, томчиси азиз ва мўътабар. Айрим ҳолларда сувнинг нақадар қимматли ва бебаҳолигини анчайин ҳис қилавермаймиз. Бундай қулайликка ўрганиб қолганмиз. Жўмраклардан тиниқ ва зилол сув оқиб турибдими, уни исроф қилмаслик, ифлослантирмаслик ҳақида бош қотирмаймиз, бир кун келиб унинг тугаб қолиши ёки танқислик юз бериши мумкинлиги ҳақидаги фикр хаёлимизга келмайди.

Бироқ, сув чексиз-чегарасиз эмас, барча ресурслар каби у ҳам ҳисобли, эҳтиёт бўлиб, ўринли, расамади билан фойдаланишни талаб қилади. Бинобарин, сувдан фойдаланиш нафақат унинг манбалари чекланган бизнинг иссиқ минтақада, балки дунё миқёсида ҳам долзарб муаммо бўлиб қолган. Шу боис, ўтган 2003 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Чучук сув йили» деб эълон этилгани ҳам бу муаммонинг нақадар ўткирлигини яққол кўрсатиб турибди. Демак, муаммо халқаро миқёсда кўтарилган экан, унинг моҳият-эътибори ҳам чуқур ва кўп қирралидир.

Маълумки, ер юзининг 4/1 қисми қуруқлик, қолган 3 қисми сув билан қопланган. Баъзилар, сув заҳирасини битмас-туганмас, деб ўйлашади. Аслида океан сувларидан фойдаланиш, айниқса, ичимлик учун бутунлай яроқсиз. Шу ўринда диққатга сазовор мисолга мурожаат қилсак. Қатор араб давлатлари нефтга жуда бой. Уларнинг атрофида сув манбалари сероб, лекин фойдаланишга яроқли сув муаммоси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Кўриниб турибдики, сув етишмаслиги оқибатида ҳатто Аллоҳ инъом этган табиий бойликдан фойдаланишда қийинчиликлар юз бермоқда. Ёки бўлмаса, инсоннинг нотўғри хатти-ҳаракати туфайли сувга сероб ўлка — Владивосток шаҳрида ичимлик суви танқислиги ҳозирга қадар бартараф этилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунё бўйича сув истеъмоли йилдан йилга ошиб бормоқда. 2020 йилга бориб, чучук сувдан фойдаланиш ҳозиргига нисбатан 40 фоизга ошади. Бугун жаҳонда 1 миллиарддан ортиқ аҳоли сувга муҳтож. Ўртача бир йилда бир киши 4 минг литрдан 25 минг литргача сув сарф қиларкан.

Ўзбекистонимиз мисолида ҳам сув муаммоси анча ўткир ва долзарбдир. Оролбўйи минтақасида аҳволни ўнглаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Орол атрофидаги кўлларга сув бориб, аҳоли баликчилик, деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятлари вужудга келди. Кўчиб кетган аҳоли ўзининг эски жойларига қайтиб келмоқда. Бундан маълум бўлишича, сув муаммосини бошқа тадбирлар, яъни аҳолининг соғлиғини тиклаш, иш билан таъминлаш каби комплекс ҳолда олиб боришни ҳаёт тақозо қилмоқда.

Республикамиз миқёсида аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш бўйича бир қанча ибратли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, бироқ бу йўналишда кўп иш қилиниши талаб этилади. Айниқса, бу масалада 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун барча учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши керак. Қонунда давлат идораларидан тортиб, барча ташкилотларнинг ваколатлари, вазифалари ва жавобгарликлари аниқ ифодалаб берилган. Вазирлар Маҳкамасининг ўша йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланишни лимитлаш тўғрисида» қарори бу борадаги қатор вазифаларни белгилаб берди. Бу йўналишда шу каби бошқа ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди. Буларнинг ҳаммаси сувдан тўғри ва оқилона фойдаланиш, уни ифлос қилмаслик, табиатнинг бу бебаҳо бойлигини тежаш, асраш ва кейинги авлодларга қолдиришга йўналтирилган. Ҳукуматимиз сувдан фойдаланишнинг қонуний асосларини белгилаб бериш билан бир қаторда, унда кўзда тутилган тадбирларнинг изчил, собитқадам ва мунтазам бажарилишини ҳам доимий назоратга олган. 2002-2003 йиллар мобайнида сувдан фойдаланишни яхшилаш учун коммунал хизмат соҳасига сув ҳисоблагичларни ўрнатиш юзасидан бир қанча кўрсатмалар қабул қилинди. Бу борада муайян ишлар қилинган бўлса-да, истеъмолчиларни сув ҳисоблагичлари билан таъминлаш масаласида оқсоқлик бор. Бу ишларда асосий тўсиқ — молиялаш масаласи. Шу боис, ушбу ускуналарни ўрнатадиган ташкилотларни кредитлаш масаласини ҳал этиш шу кун талаби.

Ичимлик сувдан фойдаланишни яхшилаш масаласида бу каби муаммолар борки, уларни ҳал этишда қатъият ва изчиллик кўрсатиш зарур. Айниқса, бу Тошкент шаҳри мисолида ниҳоятда долзарбдир. Пойтахтимизда барча жойларга сув ҳисоблагичларни тезроқ ўрнатиш билан бирга, ҳовлилар, кичик бўлса-да томорқалардаги экинлар, дарахтларни ичимлик суви билан суғоришни бутунлай тўхтатиш ўрнига техник сувдан фойдаланишни йўлга қўйиши лозим. Маълумки, илгарилари Тошкентда ариқлар тизими жуда яхши ривожланган эди. Кўчалар, ҳовлилардаги ариқлардан сувлар оқиб турарди. Энди эса экинларни резина шланглар орқали водопровод суви билан суғоришни кўриш мумкин. Ёки бўлмаса, техника воситалари, автомашиналарни ичимлик суви билан ювишаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Уларни тақиқлаш, айбдорларга қаттиқ чоралар кўриш билан иш битмайди. Балки сувдан, айниқса, ичимлик сувидан фойдаланишни тартибга солиш учун барча ташкилий-техникавий тадбирларни биргаликда, узвий комплекс ҳолда амалга ошириш талаб этилади.

Бугунги кунда давлатимиз сиёсатида баркамол, етук авлодни тарбиялашдек, катта мақсадлар қўйилган экан, энг аввало, ёшларга табиий бойлик — тоза сувни исроф қилмаслик, тежаш, қадрига етишдек инсоний фазилатларни сингдириш жуда муҳим бўлиб турибди. Шу боис, корхоналар, маҳаллалар ва мактабларда сувни тежаш, ундан ўринли фойдаланиш ҳақида суҳбатлар, учрашувлар ўтказиш, турли оммабоп фильмларни намойиш қилиш ишларини доимий олиб бориш керак. Айниқса, фарзандлар, ёш авлод билан изчил ишлашни йўлга қўйиш лозим.

Халқимиз қадимдан сувни эъзозлаб келган. Унинг ҳар бир қатрасини тежашга ҳаракат қилган. Тоза сувни ифлослантирмаслик халқимизнинг муқаддас анъаналаридан бўлган. Ана шу ажойиб хислату фазилатларни яна чуқурлаштириш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**Шаҳноза АЗИЗОВА,**
**Наргиза ЗОКИРОВА,**
**Тошкент молия институти талабалари**




## ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШГАН ЭДИ

Хакасия Республикасидаги «Енисейская» кони ишчиларидан 32 нафари 12 кун аввал норозилик сифатида очлик эълон қилишганди, уни ҳануз давом эттиришмоқда. Улар ҳукуматдан ўз иш ҳақларини талаб қилишмоқда. Ҳукуматнинг кончилардан қарзи 6 миллион 877 минг рублни ташкил этади. Яқинда ҳукумат кончилар қарзининг маълум қисмини, яъни 140 минг рублини тўлашга қарор қилган эди, бироқ кончилар бунга кўнмадилар. Энди давлат бюджетидан қоплашни мўлжаллаб туришибди. Негаки, очлик эълон қилган кончиларнинг аҳволи оғирлашиб бормоқда.

Ҳатто шифокорлар уларнинг очлик эълон қилишини тезда тўхтатмаса, соғлиғи жиддий хавф остида қолишини укдириб, огоҳлантиришди. Бироқ...

Ҳозир 5 нафар кончи аҳволи оғирлашгани боис, касалхонага ётқизилди. 6 нафари эса шифокорлар талабидан сўнг очликни тўхтатган, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

## ИМПОРТ ТАҚИҚЛАНДИ

Австралия ҳукумати ит ёки мушук териларидан тайёрланган буюмлар импортини тақиқлади.

Жонзотларни ҳимоя қилиш жамиятининг минглаб аъзолари бир неча марта ўтказган норозилик намойишларидан сўнг шундай қарор қабул қилинди.

Мамлакат адлия вазири Крис Эллисоннинг Le Monde агентлигига маълум қилишича, бундай қарор АҚШ ва Италия сингари давлатларда ҳам амалга жорий этилган.

## АФҒОНИСТОНГА КЎМАК

Еврокомиссия Афғонистон фуқароларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 35,16 миллион евро ажратишга қарор қилди. Мазкур маблағ, шунингдек, Покистон ва Эрон ҳудудида яшаётган афғон қочоқларининг ўз ватанларига қайтишига ёрдам бериш учун ҳам сарфланади.

Еврокомиссия вакилининг айтишича, Европа Иттифоқи ижроия ҳокимияти томонидан ажратилган ушбу маблағга биринчи навбатда озиқ-овқат, сув тозалаш ускуналари, чодирлар сотиб олинади. Шунингдек, тиббий ёрдам ва ишга жойлашишлари учун ҳам кўмак берилади.

Умуман Еврокомиссия жорий йил давомида Афғонистон учун 245 миллион евро миқдорида ёрдам кўрсатади.

## ТАКЛИФ ИНОБАТГА ОЛИНМАДИ

Миср ҳукумати мамлакат парламентининг ғаройиб таклифини инобатга олмай, рад этди. Парламентнинг соғлиқни сақлаш бўйича қўмитаси чекадиган кишиларни юқори мансаб поғоналари — вазир, унинг ўринбосарлигига, департамент директорлиги ва бошқа лавозимларга ишга қўймаслик таклифи билан чиққан эди. Мақсад соғлом турмуш тарзини яратиш ва бу билан бошқаларга ўрнак бўлиш.

Лекин ҳукумат, гарчи чекиш зарарли эканлиги ҳаммага аён бўлса-да, уни тақиқлаш инсон ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилиш билан баробар, деб ҳисоблайди. Чекиш иқтидорли инсоннинг юқори лавозимни эгаллашига монелик қилишига қонуний асос бўлолмайди.

Бу ҳақда «Новости» агентлиги хабар тарқатди.

**Шарҳ**

# «КАТТА САККИЗЛИК»: ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ҚАШШОҚЛИК

Биз «катта саккизлик» ҳақида кўп эшитганмиз ва унинг фаолият доираси борасида маълум маълумотга эгамиз. Бироқ аксариятимиз унинг мақоми ва ваколатлари тўғрисида кўп нарса билмаймиз. Ваҳоланки, «катта саккизлик» ўз штаби, котибияти, ижро органлари, аниқ манзили бор ташкилот эмас. Унинг бошқа халқаро ташкилотларга ўхшаган қонун-қоидалар билан мустаҳкамланган ва ижро масъулиятини юклайдиган ваколатлари ҳам йўқ. Ҳуқуқий жиҳатдан ҳам айтайлик, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, ЮНЕСКО ёки НАТО каби халқаро ташкилотлар эга бўлган халқаро мақомга эга эмас. Шунга қарамасдан «катта саккизлик» жаҳондаги иқтисодий тараққиётга, қашшоқликни бартараф этишга, ўзаро ёрдам ва савдо-сотиқни мувофиқлаштиришга, демократик жараёнларнинг боришига самарали таъсир кўрсата олади.

«Катта саккизлик» таркибига АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония ва Россия киради. Бу давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити 2004 йил 8-10 июнь кунлари АҚШда, Жоржия штатининг Атлантика океани қирғоқларида жойлашган оролларидан бирида бўлиб ўтади.

Учрашувда глобаллашув, қашшоқлик, экология, демократия, Ироқ, Яқин Шарқ билан боғлиқ жаҳон кун тартибида турган масалалар муҳокама қилинади. Сокин ва ҳоли жой танлаганлигининг боиси шуки, аввало, антиглобалистлар, қолаверса, ҳар хил мақсадни кўзлаган намойишчилар саммит ишига халақит беришлари мумкин. Бундан уч йил олдин Италиянинг Генуя шаҳрида ўтказилган саммит жараёнида шундай ҳолат кузатилган.

Норозилик намойишларининг эса сабаблари кўп. Саммит қатнашчилари, яъни жаҳондаги етакчи давлатлар раҳбарлари эътиборларини ўз муаммоларига қаратиш ниятида намойишга чиқадиганлар сафида одатда атроф-муҳит ҳимоячилари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш жамиятлари фаоллари, қурғоқчиликка ва очарчиликка қарши бўлганлар, бойларнинг яна ҳам бойиб, камбағалларнинг тобора камбағаллашиб бораётганлигидан норозилар, анархистлар бўлади. Шунингдек, кўпинча бой давлатларнинг ўзлари ҳақидагина қайғуриб, камбағал давлатларнинг муаммоларига етарли даражада эътибор қаратмаётганликлари ҳам антиглобалистлар норозилигига сабаб бўлмоқда.

Айниқса, тараққий этган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларида номутаносибликлар мавжуд. Бой мамлакатлар камбағал мамлакатларнинг энг яхши экспорт товарларига нисбатан тўсиқларни кўпайтириб юбормоқдалар. Бу нафақат харид қилиш ва нархнаво белгилашда, балки турли тартиб-қоида ҳамда шартларни жорий этишда ҳам намоён бўлмоқда. Антиглобалистлар иқтисодни глобаллаштирув демократияни обрўсизлантиради деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам баъзан «катта саккизлик»ни катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган бойларнинг маслаҳат клуби ҳам дейишади.

Аслини олганда, «катта саккизлик» жаҳон иқтисоди муаммоларини ҳал этишда етакчиликка даъвогарлик қилар экан, шубҳасиз, ер юзидаги етакчи демократик мамлакатларнинг маслаҳат минбарига айлангани маъқул. Албатта, бундай мамлакатлар оз эмас. Агар улар қабул қилинаверса, «катта саккизлик» бора-бора «катта йигирмалик» ёки «катта ўттизлик»ка айланиб кетмасмикан дерсиз. Бўлиши мумкин. Ундан мавжуд муаммолар ечими мураккаблашиб кетмасмикин? Бундай бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамасдан, жаҳон оммавий ахборот воситаларида «катта саккизлик»ка аъзо бўлишга арзийдиган янги номзодлар пайдо бўлмоқда. Булар Ҳиндистон, Бразилия, Туркия, Жанубий Африка Республикаси каби демократик давлатлардир. Аслида ер юзида иқтисоди юксалиб бораётган йирик давлатлар кўп, улар демократик тараққиёт йўлини танлашган. Бу — «катта саккизлик»ка киришнинг асосий шартларидан бири. Россия бундан етти йил олдин, яъни демократик ривожланиш сари дадил қадам қўя бошлаганидан кейингина «катта еттилик»нинг маслаҳат мажлисларига таклиф этилди ва унга саккизинчи аъзо бўлиб кирди.

Одатда, ҳар сафар «катта саккизлик» саммитидан глобаллашув ва қашшоқлик, демократия, тараққиёт ва эркинлик билан боғлиқ масалалар кун тартибида турарди. Бу гал кун тартибига Ироқда ва Яқин Шарқда юзага келган вазиятлар ўта долзарб масалалар сифатида киритилган. Биринчи навбатда Ироқнинг мустақиллигини қайта тиклашга эътибор қаратилади. Мамлакатни бошқаришни ироқликларнинг ўзларига топшириш муддати ўзгаргани йўқ. Унгача, яъни 30 июнгача мувaққат ҳукуматни шакллантиришни тугатиш зарур. Ҳозир АҚШ ва БМТ вакиллари бу йўналишда иш олиб боришмоқда. Янги ҳукумат жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган тақдирдагина қонуний ҳисобланади ва тегишли ваколатларга эга бўлади. Бунинг учун Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияси зарур. Ҳозир ана шу резолюция лойиҳаси тайёрланмоқда.

Шунингдек, саммитда Фаластин — Исроил можаросини бартараф этиш, Яқин Шарқ минтақасидаги давлатлар ҳукуматлари, ишбилармон доиралари ҳамда фуқаролик жамиятлари билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказиш юзасидан шерикликни йўлга қўйиш тўғрисида ташаббус туғилиши кутилмоқда. Умуман, «катта саккизлик»ка аъзо мамлакатлар Исроил ва Фаластин халқлари тинч-тотув шароитда ёнма-ён яшашлари зарурлигини ҳамиша маъқуллаб келишган. Бу сафар ҳам БМТ, Европа Иттифоқи, АҚШ ва Россия маъқуллаган «йўл харитаси»ни ҳаётга татбиқ этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тўғрисида келишиб олишларига умид қилиш мумкин.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

**Назм**

# Умидли бу дунё экан, умидимни узмадим

*Жону таним кетди, менла қолди ёлғиз умидим,*
*Умидли бу дунё экан, умидимни узмадим.*
*Мажнун каби саҳроларда Сени доим изладим,*
*Ё Аллоҳим, бергил менга саботу бардош дедим.*

*Синиқ эдим, ичларимдан оқиб кетди ёшларим,*
*Бир меҳрибон тополмасдан оғиб кетди бошларим.*
*Кўзларимга мингта ўқдек қадалди ўз қошларим,*
*Зулматмиди ё бу дунё, қайда ул қуёш дедим.*

*Эшитдингму, дил торимни дутор қилиб чалганим,*
*Чақин чақиб, гумбурламас садо бўлиб қолганим,*
*Яхши бир сўз илинжида гадо бўлиб қолганим,*
*Бағри хунни эслагайму, сен каби сархуш дедим.*

*Сени Аллоҳ юбордими, ўзинг топиб келдингму.*
*Етти дунё ошиқларин ўтда ёқиб келдингму?*
*Сени излаб юрганимни билиб, чопиб келдингму.*
*Қанотида малҳам олиб келгайму ул қуш дедим.*

*Сени кўргач кўрганларим хира-хира туш дедим,*
*Қайда эдим, қайга келдим, эй, гўзал, оққуш, дедим.*
*Муҳаббатинг эпкинлари мунча ширин экан-эй,*
*Уйғондимму уйқудан ё, мен ҳушли беҳуш дедим.*

*Бу туш бўлса уйғонишдан чўчиб юрсам не ажаб,*
*Муҳаббатинг осмонида учиб юрсам не ажаб.*
*Қошу кўзинг, бори жисминг қучиб юрсам не ажаб,*
*Ўткир Жўра бўлмас сендек ҳеч кимса сархуш дедим.*

**Ўткир ЖЎРАЕВ**


## «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

*2004 йил 30 апрель куни ўтказилган аукцион савдоларида*

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 га. бўлган, икки қаватли Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 4 та ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи, ҳар бири 5 200 000 сўмдан сотилганлигини маълум қилади.


**Ғаройиб тақдирлар**

# НАМАНГАННИНГ ҲИНДИСТОНЛИК КЕЛИНИ

## АЛИГАР ШАҲРИЛИК САРФАРАЗ ЖАҲАН БУВИНИНГ ХОТИРАЛАРИДАН

*Шўро ҳукмронлиги даврининг энг қора кунлари сифатида тилга олинадиган 1937 йил наманганлик Турсунбой отанинг тақдирига ҳам ўз кўланкасини солган. Отасини хусусий мулкдорликдан маҳрум этиб, ночор аҳволга солишганидан ташқари тазйиққа олиб, сўроққа тутаверишгач, Турсунбой ота оиласи билан юртдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Олдиндан савдо илмини яхши билган оила Ҳиндистоннинг Алигар шаҳридан паноҳ топади ва тезда янги дўстлар орттиради.*

*Ёлғиз ўғил — 7 ёшли Ғиёсиддин отасининг ёнига кириб, савдогарлик билан шуғулланади. Ғиёсиддин Устаз исмли йигит билан дўст тутинади.*

*Сардормирзо Қамаруззамоннинг ўғли Устаз янги дўсти Ғиёсиддинни оиласи билан таништиради. Дини ислом бўлган мусулмон оиладаги тартиблар, муомала-муносабатлар Ғиёсиддинга ўз ҳамюртларини эслатиб тургани учун оила билан қадрдон бўлиб кетади. Ғиёсиддин авалига бир ойда, ҳафтада бу ерга меҳмон бўлган бўлса, кейинчалик кунора келадиган бўлди. Бу яқинлик уларнинг қариндош-уруғ бўлишига олиб келади.*

*Ҳар ҳолда Ғиёсиддиннинг юртини ҳар сония эслаб, талпиниб туришларини билса-да, Қамаруззамонлар оиласи уни ўзларига куёв қилишга иккиланишмаган. Қолаверса, оиланинг иккинчи қизи Сарфараз Жаҳан билан Ғиёсиддин ўртасида ишқ-муҳаббат гул очган эди. Сарфараз Жаҳаннинг айтишича, оналари Назир Жаҳан никоҳ арафасида иккиланиб қолган экан. Бўлажак куёв ўз юртига талпиниб келади. Кейин кетиб қолса-чи? Аммо бу хавотирини бировга айтмаган. Чунки мусофиргина йигит хушхулқ, кўнгли нозик, ҳамманинг қалбидан жой олган, ақлли эди.*

— Рўзғоримиз мулкланиб, бир-биримизга қаттиқ боғланиб қолган бўлсак-да, дадаси камгап, ўйчан, мунгли бўлиб борардилар, — дейди Сарфараз Жаҳан буви. — Ниҳоят бир куни ёрилдилар: — Кетишим керак, юртимга қайтмасам бу ердаги ҳар қанча саодатли ҳаёт татимайди.

Ўшанда, фарзандларим Жамолхон билан Меҳриниса катта бўлиб қолишган, Анваржон билан Камолхон эса жуда ёш эдилар.

Дадасининг аҳволини онамга баён қилдим.

У эса биз никоҳда сендан кечганмиз, энди эрингга ишонамиз, қаерда бўлса ҳам сендан кечмай яшаса бўлди. Эр қаерда бўлса хотин ўша ерда бўлиши, керак. Ҳаракат қилаверсин. Имкони бўлганда дуо қилиб кузатишимиздан бошқа илож йўқ, — деб насиҳат қилди. Онамизнинг бу гапларидан хўжайинимнинг қувончи осмонга етди ва биз астойдил ҳаракатга тушдик. 1962 йилда ниҳоят рухсат бўлди. Ўшанда бешинчи фарзандимиз Амирхон 7 ойлик эди. Бизни расмий кутиб олишга ҳатто ўша даврда собиқ иттифоқнинг раҳбари бўлган Хрушчев ҳам чиқибди. Бизни икки ой меҳмонхонада карантинда ушлашди. Фарзандларимизни болалар уйига олишди. Аввалига унда-бунда яшаб юрдик. Ота мерос жойимизга келишимиз жуда қизиқ бўлган. Ҳар ҳолда ёшроқ эдим. Эгнимдаги «сари», онамдан мерос тилла тақинчоқларимга ҳамма қизиқиб қарарди. Ўзбекчани мутлақо билмайман. Одамлар билан дадасининг ёрдамида ҳол сўрашган бўлдим.

Кенжа ўғлим Аслам шу ерда туғилди. Болалар катта бўлишди. Аста-аста ўзбекчада гаплашадиган бўлдим. Меҳр-оқибат, ҳолкашлик, самимийлик мени кушод наманганликка айлантирди. Лекин кийимларимни, айрим одатларимни ташлаганим йўқ. Чунки мен наманганликларни қанча севсам, улар ҳам мени либосу одатларим билан севишарди.

Мана 6 нафар фарзандим бор. Келинларимдан, ўғилдай бўлиб қолган биттагина куёвимдан ҳам кўнглим тўқ. 20 нафар набирам, 12 нафар эварам бор.

Турмуш ўртоғим 1980 йилда оламдан ўтдилар. Она юртимга ҳурмат маъносида невара-эвараларимнинг айримларига дадасининг розиликлари билан ўзим исм қўйганман: Асив, Шабина, Шаҳана, Наргис. Буларнинг ҳам ўз маъноси бор: ёруғлик, шабнам, поклик, чирой дегани.

Ўз юртимга — Ҳиндистонга 30 йилдан кейин, мустақилликнинг илк имкони билан 1991 йилда бордим. Онамнинг ўтганларига 3 йил бўлган экан. Жуда афсусландим, қаттиқ эзилдим. Кўнглим сезганди буни, чунки анча олдин онамдан келадиган хатлар ҳам тўхтаб қолганди. Худо раҳмат қилсин, уни. 1994 йилда эса Покистонга опамни йўқлаб бордим. Афсуски, тақдир экан, у киши ҳам қазо қилибди. Борган кунимиз «қирқ»ларини ўтказишаётган экан. Бурха кийиб (сизларда чиммат дейилади) мотам тутдим. Шундан сўнг қаттиқ тушкунликка тушдим. Минг шукрки бу ердаги қариндош-уруғларим, қўни-қўшниларим далда бериб ёнимда туришди.

Ўзбеклар билан ҳиндларда бошқа халқларга нисбатан юксакроқ муҳаббат бор. Менга наманганликлар ҳинд аёли деб қарашадики, унда ажратиш, йироқ тутиш эмас, аксинча катта ҳурмат, иззат-эҳтиром ифодаланиб туради. Баъзан кексалик панд бериб ҳолсизланиб қолган вақтларимда қўшниларим «Юртингизни соғиндингизми?» деб сўрашади.

Соғинишга-ку соғиндим. Аммо жон-томирим — фарзандларимни ташлаб қайга кетаман. Қиёматлик муҳаббат қасами билан бу ерга келдим, энди кетмоғимга ихтиёр қайда?

Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мен ҳаммадан кўпроқ ҳис этдим — наф кўрдим. Ахир она диёримни қайта кўриш имконини ҳам шу истиқлол берди-ку.

Наманганга келиб фақат ҳурмат кўрдим. Эъзоз топдим. Фарзандларим сўнмас муҳаббатим, менга вафо қилувчи Давлатларимдир.

Агар ҳар бир ота-она оилани мустаҳкам тутиб, фарзандлари тарбиясига маҳкам турса, ҳамма нарсага эришиши мумкин.

Дадаси қазосидан кейин ҳам узоқ-яқин қариндошлар билан танишдик. Яқинда Косонсой туманининг Тергачи қишлоғига эварам Зулхуморни турмушга бердик, узоқлашиб бораётган қариндошлар билан қайта яқинлашдик.

*Сарфараз Жаҳан буви билан узоқ суҳбатлашдик. Ғаройиб тақдири ҳикматли ривоятга ўхшаб кетадиган 82 ёшли ҳинд аёлининг либоси, ҳар икки қўл билагидаги тақинчоқлар шодаси ҳам сирли, сеҳрли туюлади.*

*Невара келин Муҳайёхон кўтариб келган эвараси Камроннинг пешонасига буви ҳол чизди. – Бу ҳинд тумори, билагидаги кўзмунчоққа куч, – деди ўз ишини изоҳлаб.*

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧



**Суратда:** Сарфараз Жаҳан буви эвараси Асив билан.
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат**

# ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?!

**Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.**

**Савол: Юридик шахслар қандай ҳолларда ночор, яъни банкрот деб топилиши мумкин?**
**А.Муҳиддинов.**
**Тошкент шаҳри.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-моддасига асосан тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин.

Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, шунингдек, матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахс банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этади.

Суднинг юридик шахсни банкрот деб ҳисоблаши асослари, шунингдек, бундай юридик шахсни тугатиш тартиби қонунда белгиланади.

**Савол: Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати нимадан иборат?**
**М.Ботиров.**
**Сирдарё вилояти.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддасига мувофиқ юридик шахс ўзининг ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади (ушбу Кодекс 44-моддасининг тўртинчи қисми) ва уни тугатиш якунланган пайтдан эътиборан тугатилади (ушбу Кодекс 55-моддасининг ўнинчи қисми).

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.


## KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO`LIMI» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ХАРИДОРЛАРНИ КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

*2004 йил 1,4,8,11,15,18,22,25,29 июнь кунлари кимошди савдоларига қўйидаги ер майдонлари қўйилади:*

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган 23 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич нархи — 512 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган 12 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 153 600 сўм.**

*Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган 1 та ер майдони.*

**Бошланғич нархи — 576 800 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги ер майдонлари:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида; Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида; Спутник-1 мавзеси, 60-уй; Спутник-2 мавзеси, 51-уй.

**Ҳар бирининг бошланғич нархи — 428 400 сўм.**

Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16а.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10 фоиз миқдоридаги закалат пули тўланади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**


## СООБЩЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ ОБЩЕГО ГОДОВОГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОАО «RAUPXON»

Наблюдательный совет ОАО «Raupxon» объявляет о проведении общего собрания ОАО «Raupxon», которое состоится 29 июня 2004 года.

По адресу: г. Ташкент, ул.Каракамышская, 4.

Начало регистрации: 10 час.00 мин. Начало собрания 11 час.00 мин.

Повестка дня:

1. Отчет Наблюдательного совета ОАО «Raupxon».
2. Рассмотрение и утверждение отчета Генерального директора общества о результатах финансово-хозяйственной деятельности за 2003 год.
3. Рассмотрение и утверждение заключения аудитора и отчета ревизионной комиссии общества.
4. Рассмотрение бизнес-плана общества на 2004 год.
5. Утверждение Генерального директора общества.
6. Перевыборы членов Наблюдательного совета и ревизионной комиссии.
7. Распределение прибыли.
8. Утверждение аудитора общества на 2004 год.
9. Прочие организационные вопросы.

При себе иметь паспорт, нотариально заверенную доверенность (для представителей акционеров).

Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании акционеров будет составлен по состоянию на 28 мая 2004 г.

***За дополнительной информацией обращаться в ОАО «Raupxon» по тел.: 21-30-37, 21-31-45***

**Баланс на 1 января 2004 г.**
**ОАО «Раупхон»**

тыс. сум

| | Актив | Пассив |
|---|---|---|
| Остаточная стоимость основных средств | 369521,1 | |
| Остаточная стоимость немат.активов | 356,4 | |
| Капитальные вложения | 88195,8 | |
| Долгосрочные инвестиции | 37064,3 | |
| Производственные запасы | 304462,1 | |
| Денежные средства | 16797,6 | |
| Прочие активы | 2019 | |
| Дебиторы | 44432,6 | |
| Уставный капитал | | 51000 |
| Резервный капитал | | 244069,8 |
| Нераспределённая прибыль | | 495759,9 |
| Авансы, полученные от покупателей | | 46948,1 |
| Кредиторы | | 25071,1 |
| **Итого** | **862848,9** | **862848,9** |

**Отчёт о финансовых результатах на 01.01.2004 г.**

| | |
|---|---|
| Чистая выручка от реализации | 1484229,9 |
| Себестоимость реализованной продукции | 962306,9 |
| Расходы периода | 195451,9 |
| Прочие операционные доходы | 4399,9 |
| Прочие доходы от финан.деятельности | 906 |
| Прочие расходы от финан.деятельности | 1385,4 |
| Финансовый результат | 330391,6 |
| Налоги | 96031,1 |
| Чистая прибыль | 234360,5 |

*Достоверность данных, содержащихся в годовом отчёте, бухгалтерском балансе, подтверждена аудиторской фирмой ООО «Аудит-Барака» (лицензия Минфина РУ серия АФ № 00278 от 12.11.2001 г.)*

**Интер-спорт**

## ФУТБОЛЧИЛАР ҚЎРИҚЛАНАДИ

Аргентинанинг Коронде қамоқхонасида сақланаётган жиноятчилардан бири сўроқ пайтда «Бока Хунирос» футбол жамоасининг футболчилари ва мураббийларини ўғирлашга ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида маълумот берган. Бундан хабар топган Аргентина полицияси футбол жамоасининг муҳофазаси учун махсус отрядни тайёрлаган.

«Сирасини айтганда, биз аввалига бунга ишонқирамадик, — дейди футболчилардан бири. — Бизга қаратилган муҳофазадан кейин бу ерда жиддий гап борлиги аён бўлди».

Эслатамиз, кейинги пайтларда мамлакатда футболчилар ва уларнинг оила аъзоларини ўғирлаш оддий воқеага айланган. Бултур номаълум кишилар «Бока Хунирос» жамоасининг футболчиси Кристиан Траверсонинг отасини ўғирлашган эди. Бундай воқеаларга сабаб Аргентинадаги иқтисодий танглик бўлиб, ёвуз ниятли гуруҳлар тадбиркор, футболчи, актёрларни ўғирлаш билан бойлик орттириш ҳаракатига тушиб қолишган.

## АВТОБУС ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

«Volvo F-12» юк машинаси Орехово-Зуевонинг «Знамя труда» футбол жамоаси тушган автобус билан тўқнашиб кетган. Мамлакат фавқулодда ҳодисалар вазирлиги вакилининг маълумотига қараганда, юк машинасида кукуни махсус қопларга жойланган 17 тонна цианид натрий бўлган. Ҳалокат пайтида қоплар йиртилмаган ва тўкилмаган. Шу боис, кимёвий моддалар футболчилару атрофдагиларга зарар етказмаган.

Фожиада эса саккиз спортчи ҳалок бўлиб, 11 нафари оғир жароҳатланган.

Ҳодиса Горький йўлининг 82-километрида юз берган. «ПАЗ» автобусининг юк машинаси билан тўқнашишига «ВАЗ-2109» автомобилининг юк машинасига урилишдан қочиши сабаб бўлган. Айни пайтда юк машинаси ҳайдовчиси ҳам хавфни бартараф этиш учун автоуловни четга олмоқчи бўлган ва қарши ҳаракатдаги йўлга чиқиб қолиб, автобусга тўқнашган. Ҳалокат пайтида шикастланганлар Орехово-Зуево шифохонасига ётқизилган. Юк машинаси ҳайдовчисига жиддий зарар етмаган. 10 киши эса жонлантириш хонасида сақланмоқда.


Қибрай тумани Амир Темур номли 25-сонли кўп йўналишдаги лицей мактаби томонидан 1997 йил 20 июнда Малика Маҳкамовна Юнусова номига берилган O"R-A-013145 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## АКЦИОНЕРНЫЙ БИРЖЕВОЙ БАНК «ТРАСТБАНК»

объявляет тендер на проведение ремонтных работ в здании АББ «ТРАСТБАНК»

Заинтересованных лиц, просим обращаться по телефону 144-76-62



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**



**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)



**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Sohibjon SALIMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**, **Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***



**«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**



Г — 662
10315 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi —*
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA